

## Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўради



10:45 / 29.09.2025 1326

هَلَلٌ نَّالِقٌ مَّسْوَهِ لَعْلَلِ لَيْلِ بِنَلِ نَعُ، هُنَّ عُلَلِ لِيضَرَ رَؤْيُ بَأْنَعُ  
هُوَ رُؤْيُ بَحْيُ رُؤْيُ هَلَلِ نِو، هُنَّ لِحَدِ اَهْ طِفْحُ نَمِ اَمَسَا نِي غَسَتْ وَ غَسَتْ  
يَذْمُرْتَلِ اَوْ نَا حِي شَلِ

*Абу Хурайра розиялоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор. Ким уларни ёд олса, жаннатга киради. Албатта, Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўради», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

Аллоҳ тоқ бўлгани ва тоқни яхши кўргани учун ҳам Унинг гўзал исмлари тўқсон тўққизта бўлган. Ким ўша [тўқсон тўққиз](#) исми ёд олса, жаннатга киради. Чунки бу гўзал исмларни ёд олган киши Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини доимо зикр қилиб юрадиган банда бўлади.

Аммо бундан Аллоҳ таолонинг фақат тўқсон тўққизта исми бор, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Албатта, [Аллоҳ таолонинг исмлари](#) ниҳоятда кўп.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.